O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№ ANI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 28-iyun • Payshanba • 76 (27.721) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азобуқубатлар, синов ва тазйиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадрлаймиз.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Авваламбор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиш ва бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш — буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшиласиз.

Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга ахд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.

Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-мазмуни ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши қувончлидир.

Айни пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар таҳририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни ҳам тақозо этади.

Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАРОВСИЗ БИНО КОРХОНАГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Бундан тўрт йил аввал бу ерга келган одам энди уни танимайди. Ташландиқ, ҳеч ким эътибор бермаган бино эди-да. Ҳозир эса бу ерда обод бир корхона вужудга келди. Маҳаллий хотин-қизлардан 37 нафари ушбу корхонада меҳнат қила бошлади. «SAFAK ТЕКСТИЛ» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти деб номланаётган цехда ўғил-қизларга атаб замонавий кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

— 2003 йилнинг ўрталарида тадбиркорликни ривожлантириш, тикувчилик цехини ташкил этиш, янги технологияларни олиб келиш ниятида Тошкентнинг Ҳамза туманида жойлашган мана шу бинони ўз маблағимиз эвазига яхшилаб таъмирладик, — дейди корхона раҳбари, туркиялик Одил Окчақара. — Юқори сифатли ва рақобатбардош тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хорижий технологияларни олиб келдик. Бу ишга 170 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Айни пайтда замонавий тикув машиналари юксак унум билан ишлатилмоқда. Бу дастгоҳлар иқтисодий жиҳатдан тежамли ва экологик хавфсиз бўлиб, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Дарҳақиқат, яхшилаб таъмирланган замонавий цехда бугун иш қизғин. Чеварларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳозирча улар фақат ички бозор учун, жажжи болажонларимизга атаб маҳсулот тайёрлашмоқда.

Суратларда: *илғор тикувчи Умида Фатлахонова; бичувчи Мансура Акрамова ва тикувчи Умида Умарова; тикув цехида.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Қизилқум: ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР

...Тошкент билан Конимех ораси ярим минг чақирим келади. Ана энди авжи саратонда шу масофани машинада босиб ўтишнинг машаққатини тасаввур қилаверинг. Сирдарё-ю Жиззах, у ёғи Самарқанддан ўтиб кетгунча кўрган-кечирганларимизни хотирамизда бирма-бир жонлантирсак, узун бир ҳикоя бўлади... Яхшиси, мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик улуғ тўйи арафасида юртимизнинг энг чекка — уч тарафи яйдоқ чўлларга туташиб кетган ҳудудларидан бири — Конимех туманига қилган ижодий сафаримиз ҳақида сўз юритайлик.

2-бет

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан уюштирилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» танлови ғолиблари

Орифжон АҲМЕДОВ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири — «Бир асар тарихи» маънавий-маърифий ва бадиий мавзудаги туркум кўрсатувлари учун

Реймбой ЕШИМБЕТОВ «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири — жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун

Ирина КОЧЕРГИНА «Туркистон» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири ўринбосари — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

Зебиниса МИРЗАҲАКИМОВА «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти катта муҳаррири — мустақиллик мавзуидаги ва таълим йўналишидаги туркум адабиётларни яратишдаги хизматлари учун

Михли САФАРОВ «Халқ сўзи» газетаси шарҳловчиси — маънавият ва маърифат мавзуларидаги мақолалари туркуми учун

Бахтиёр ТЎРАХОНОВ Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялари телетармоғининг «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири — халқаро мавзудаги кўрсатувлари учун

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Шоҳида АБДУАЛИМОВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририяти шарҳловчиси

Собир ДАДАХЎЖАЕВ (Фарғона вилояти) — «Водил ёғдуси» газетаси муҳаррири

Муаззамхон ИБРАГИМОВА (Андижон вилояти) — «Дийдор» нодавлат FM радиостанцияси муҳаррири

Дилором ИКРОМОВА — «Тошкент оқшоми» газетаси маънавият-маърифат бўлими мудири

Шуҳрат МИРФАЯЗОВ — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи рассоми

Аребжан МУХАМЕДЖАНОВ — «Садо» газетаси бош муҳаррири

Норали ОЧИЛОВ — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририятининг бош муҳаррири

Салима УМАРОВА (Навоий вилояти) — «Дўстлик байроғи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Акбар УСМОНОВ (Самарқанд вилояти) — фахрий журналист, «Овози тожик» газетасининг жамоатчи мухбири

Беҳзод ҲОЖИМАТОВ — UZ Report.com Интернет портали мухбири

Усмон ҚЎЧҚОРОВ — «Маънавият» нашриёти бош муҳаррири

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланади.

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида ўтган тадбир мазкур санага бағишланди. Унда турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, фахрий журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

27 июнь куни парламент юқори палатасининг қўмиталарида Сенатнинг бўлажак ўнинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

Қўмиталарнинг мажлислари «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини батафсил муҳокама қилишдан бошланди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ тайёрланган мазкур қонунлар жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини босқичма-босқич либераллаштириш ишида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим босқич эканлигини таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик принципларига содиқ эканлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилинаётганлигининг яна бир тасдиғидир.

3-бет

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» танловида ғолиб деб эълон қилинганлар орасида газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири **Реймбой ЕШИМБЕТОВ** *ҳам бор. Ҳамкасбимиз бу нуфузли танловнинг махсус мукофоти — рангли телевизор ҳамда ижодий уюшма дипломи билан тақдирланди.*

Ҳамкасбимизни чин дилдан қутлаймиз!

Таҳририят жамоаси.

☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАШҒУЛОТЛАР ФАОЛЛИККА ХИЗМАТ ЭТМОҚДА

Бу гал сиёсий семинарни ўтказишга ўзгача ёндашилди. ЎзХДП Бектемир туман кенгаши, туман кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари раислари дастлаб тумандаги қуюв-механика заводи, у ердаги иш жараёнлари билан танишдилар. Ўқувларнинг кўчма тарзда айнан бу заводда ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки, бу ерда меҳнат қилаётган партиямиз электорати вакиллари бўлган мингга яқин ишчи-ходимнинг юз нафарга яқинини ЎзХДП аъзолари ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, завод 2003 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» МТЎК таркибига ўтганидан сўнг вагон таъмирлаш ва йиғишга ихтисослаштирилди. Яқинда эса ёпиқ вагон йиғиш цехи ҳам ишга туширилиб, замон талабларига жавоб берадиган дастлабки вагонлар тайёр бўлди.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишиб бўлгач, партия фаоллари машғулотда «Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон ХДПнинг бошқа партиялардан мафкуравий ва дастурий фарқлари» мавзусини муҳокама этдилар.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими қарор топиб, тобора шаклланиб бораяпти. Бу жараёнда сиёсий кучларнинг ўз йўли, ўз позицияси бўлиши лозим, дея таъкидланди машғулотда. Шунингдек, маърузачи ва сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши экспертлар гуруҳи аъзоси Қодир Одилов, Тошкент шаҳар кенгаши экспертлар гуруҳи аъзоси Муяссар Мақсудова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходими Фурқат Жўрақулов, тумандаги Ҳусайн Бойқаро номли маҳалла БПТ раиси Жўра Холматов ва бошқалар масаланинг турли қирраларига эътибор қаратдилар.

Худди шунингдек, ЎзХДП Сергели туман кенгаши семинарида ҳам ушбу мавзу муҳокама этилди.

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳридаги академик Бўрибой Аҳмедов номли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган Қорасув шаҳар партия ташкилоти фаолларининг сиёсий семинарида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш — партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг устувор вазифалари» мавзуси доирасида фикр юритилди. Шундан сўнг шу ернинг ўзида «Маҳалла — оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар маркази» мавзуида амалий семинар ҳам бўлиб ўтди.

Барча машғулотлар қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтди. Бу эса ХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этилгани партиядошларимиз, лидерларимизнинг тобора фаоллашиб бораётганига хизмат қилаётганини тасдиқлайди.

(Ўз мухбиримиз)

ХДП ҲАМКОРЛИГИДА

Муҳташам «Бухоро палас» меҳмонхонасида вилоятда фаолият кўрсатаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун байрам тадбири ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ва ЎзХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева барча ижодкорларни байрам билан самимий табриклаб, партия ҳаётини кенг ёритаётган фаол журналистларга эсдалик совғаларини топширди. Тантанада сўзга чиққан ОАВ ходимлари бундан кейин ҳам ЎзХДПнинг электорат орасида олиб бораётган кенг қамровли фаолиятини аҳолига етказишда жонбозлик кўрсатишларини алоҳида таъкидладилар.

(Ўз мухбиримиз.)



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш ва демократиялаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни халқимизга тезкор, холис, ҳаққоний тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг эркин, ошкора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларни қайта тайёрлаш, касбий малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Олий журналистика курсида журналист кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган, турли мафкуравий ва ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган мураккаб давр журналистларидан янада фаол, теран тафаккур соҳиби бўлишни, Ватанимизнинг, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди. Ғолибларга совринлар топширилди.

Анжуманда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида самарали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус мукофотлари топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар



ҚИЗИЛҚУМ: ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР

АФСОНА ЭМАС, ҲАҚИҚАТ

Қай бир манзилга қадам боссак, беихтиёр аввало шу гўша номининг тарихига қизиқамиз. Биз ҳам кенгликлар бағридаги бу туман ўтмиши ҳақида дастлаб мезбонлардан сўрадик. Бири бу ерда минг-минг йиллардан бери ҳаёт давом этиб келаётганига урғу берса, яна бировви айнан чорвачиликка мослашган ҳудуд эканлиги боис «Кони мех» дея ярим ҳазил, ярим чин тахминини ҳам айтиб берди. Кекса қозоқ отахонларидан бирининг айтишича, бир замонлар худди Навоий ҳазратларининг «Хамса»сидаги афсонавий Фарҳод Ширинга етишмоқ умидида тоғу тошларни кўпориб оби ҳаёт олиб келганидек, бу заминда ҳам Шопурхон деганлари Конимехри номи ила танилган сохибжамолга ошиқу беқарор бўлиб, канал қаздириб сув олиб келган эмиш... Хуллас, бу ривоятларнинг қай бири ҳақиқатга яқин-узоқлигини аниқламоқ бизнинг ишимиз эмас, аксинча, ниятимиз қатрада қуёш акс этади, деганларидек, эл-улус орасида неча асрлардан бери яшаб келаётган бундай афсоналар бугун, яъни истиқлол замонига келиб, ҳақиқатга айланганини айтиб ўтмоқдир.

— Асосан чорвачиликка ихтисослашган Конимехда бугунги кунда 35 минг аҳоли умргузаронлик қилаяпти, — дейди туман ҳокими Саъдулла ИСТАМОВ. — Учта коллеж қуриб ишга туширилган. Қолаверса, шу ҳудуднинг ўзида ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият кўрсатяпти. Жун йиғиришга ихтисослашган «Конимех-Руно» қўшма корхонаси, минерал сув ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Акварус», тери ошлайдиган «Усбас» кичик корхоналари тўла қувват билан ишлаяпти. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Энг аввало Президентимизнинг доимий эътиборида турган ҳудудда яшаётганимиз учун ҳам қисқагина муддатларда ана шундай катта ишлар амалга оширилди. Қолаверса, ўтаётган 16 йил орасида биргина Конимехнинг ўзида шунча бунёдкорликлар бўлишини одамлар тасаввур ҳам қилмаган эди...

Булар туман марказида эшитган қисқагина изоҳларимиз холос. Очиғи, бу ёққа келмасимиздан аввал пойтахтдаги танишлар бу чўл туманига келаётганимизни эшитиб, ҳавоси иссиқлиги етмагандай яна устига устак сувиям шўр, фақат минерал сув ичиш керак, дея маслаҳат беришганди. Қайда, ана шу чўлликлар ичаётган сувнинг таъми-ю мазаси юртимизнинг ҳар қандай зилол булоқлари сувидан ҳам қолишмаслигини кўриб, яна ҳайратландик.

Не тонгки, Навоий бобомизнинг бугунги қаҳрамонлари бундай чўлу биёбонларда ёруғ кунларнинг қадрига етиб, ўз қўллари билан мўъжизалар яратаётганига сизнинг-да шубҳангиз қолмаслиги тайин. Зеро афсоналар ҳақиқатга айланаётган даврда яшаяпмиз, ахир!

ҚУМЛАР БАҒРИДАГИ ВАТАН

Томдилик машҳур оқин Умрзоқ ХЎЖАМУРОТОВнинг «Туғилган ер» деб номланган ўланида шундай сатрлар бор:

Менга Венеция не, Париж не?
Туғилган еримдай иссиқ эмас.
Онамдай қадрли мен туғилган ер,
Ернинг жаннат манзили

Мен учун Қизилқум, холос....

Қизилқум ҳақида ҳам минг битта афсона-ривоят бор. Қизиқ, барибир ўйлаб қоласан киши, тўрт тарафи фақат қумлигу сахродан иборат бу чўлнинг тарихи тошга битилмаган бўлса, қаерга ёзиб қолдирилган экан?

●●●

...Конимехдан эрта саҳарда йўлга чиқдик. Бир кун аввал танишганимиз — Абдулла Қаҳҳорнинг «синчалак» қизларидан бири, ЎзХДП фаоли, туман ёнғинга қарши кураш жамияти раиси Клара САДИРБАЕВА ва Олимжон деган ҳайдовчи йигит бизга ҳамроҳлик қилишди. Бир овул билан иккинчи овул ўртасидаги масофа камида 30-40 чақирим келади. Сабримиз чидамай «энг охирги манзилга қачон етамиз?» деб сўраймиз. Мезбонлар бир-бирига ишора қилишди. Сездик — йўл узоқ.

Биринчи кўнган манзилимиз — «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалигида уч минг аҳоли яшаётган бўлса, иккита мактаб, қишлоқ врачлик пункти, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўкон ва устахоналар шу элнинг кори учун фаолият юритмоқда. Чекка бир туманнинг олис овулидаги қувонарли ўзгариш-янгиланишларни кўриб, шу гўшани элим деб, юртим деб ёниб яшаётган замондошларимиздан бири, «Шуҳрат» медали соҳибаси, қозоқ тилига ихтисослашган 5-сон умумий ўрта таълим мактаби директори Ибо НАРИЗОВАни суҳбатга тортамиз:

— Ишонасизми, мени ўзим Конимехдан шу ёққа келин бўлиб тушганман. У маҳаллар овулимизда шароитлар оғир эди. Рости, дастлаб кўниколмаганман. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ экан, кейинчалик ўрганиб кетдим. Ўтган олтиетти йил ичида хўжалигимизда қанча ўзгаришлар бўлди. Бундан ўн беш йил олдин «Сарибел»га компьютер келади, дейишса эртакдек туюларди. Ҳозир-чи? Компьютерларни қўяверинг, керак бўлса одамлар уйида ўтириб, бу ёғи Москва, у ёғи Лондондаги боласи билан телефонда гаплашиб, суньий йўлдошли антенналар орқали бутун дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлаяпти. Кимнинг хаёлига келибди дейсиз, шоир айтганидек, бундай омон-омон, алвон-алвон кунлар келади, деб.

Яна бир севинчимни айтайми сизга? Бугунги кунда 158 ўқувчи таҳсил кўраётган мактабимиз биноси асли олтмиш йил аввал қурилган экан. Шу бинони ўн йил олдин кўрган одам энди кўзларига ишонмайди. Юртбошимизнинг таълим соҳасига, айниқса, ёш авлодга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари боис қип-қизил чўл ҳудудидаги шу мактаб бутунлай қайтадан реконструкция қилинди. Шунингдек, туманимизда ўзига хос йўли ва овозига эга бўлган «Сарибел сази» болалар фольклор ансамбли ҳам бизнинг мактабда фаолият кўрсатяпти. Буларни бир-бир сизга айтаяпману, истиқлол боис нечоғли улкан имкониятларга эга бўлганимизни, қандай нурли истиқболларга эришганимизни ўйлаб, беихтиёр фахру ифтихордан тўлиқиб кетаман...

Оддий бир овул муаллимасининг бу ҳақли ва шарафли эътирофлари изоҳга муҳтож эмас. Биз энди ўзимиз бир неча бор урғу берган чорвадорлар ҳузурига шошиламиз. Чунки тилсимларга бой бу тупроқнинг асл эгалари чўпонлар, деган гап ҳам бежиз айтилмаган.

●●●

...Боймурод қишлоғини чинакамига чўпонлар овули деса бўлар экан. «Абай» наслчилик ширкат хўжалиги маркази бўлмиш бу қишлоққа етиб келишимиз ҳам осон кечмади. Учта айланма йўл орқали қумтепалардан учиб келаётган «Тико»миз панд бермади. Бир томондан қум барханларига тўла тепаликлар кўзни чалғитса, иккинчи тарафдан чўлу адирлар, яйловлару йўлларни босиб келаётган баҳайбат Айдаркўл одамни ваҳмга солади. Биз ҳам Қизилқумгача етиб келган бу суньий денгизнинг бир чеккасидан ўтдик. Йўл-йўлакай юртимизнинг жонли наботот ва ҳайвонот олами нақадар бой эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Табиатнинг бу бетакрор ва фусункор ҳолу ҳолатларини таърифу тавсифлаш учун барибир сўз бисотимиз ожизлик қилади. Кўз билан кўрганга эса не етсин. Биз эса бор-йўғи ўша лаҳзаларда оддий йўловчи эдик...

Боймуроднинг энг кекса нуронийларидан бири Олим Эгамқуловнинг айтишича, бундан қирқ-эллик йил бурун бу ерларда беш-олтита «қора уй» бўлган экан. Кейин-кейин чўпон-чўлиқлар кўпайишиб, қишлоқ пайдо бўлибди. «Қизилқумда энг машҳур чўпон ким ўзи?» дея сўраймиз отахондан. У киши ўғлига имо қилади. Ўттиз ёшни қоралаб қолган Истам бўлса, «бобой ўз укасини айтишга тортиняпти шекилли, юринг, уйига ўзимиз борамиз,» дея каттакон гужум остида чой ичиб ўтирган чолкампирлар ёнига бошлади. Одамлар «қаҳрамон чўпон»деб чақирадиган етмиш ёшлардаги Нортой БЕРДИЕВ шундай гап бошлади;

— Ота-боболарим бир умр чорвадор ўтишган. Мени «қаҳрамон чўпон» дейишлари сабабини айтиб берайми сизга? Чўпон халқини биласиз, тўрт фаслдаям қўйлари ортидан қолмайди. Ўзим билмайман, бировлар сўраса айтганман-да, қайси қир, қайси адир бўлса пиёда кезганман. Кейин билсам, бутун Қизилқумни яёв айланиб чиққан эканман. Шунданми, номим қаҳрамонга айланган. Бугун ана шу жойларни мошинда юриб ҳам бир ҳафтада айланиб чиқолмайсиз. Ҳозир таёғимни Жумабой ўғлимга берганман. Анча бўлди. Энди дуо қилиб ўтираман. Зериксам, бир айланиб келаман отда. Яна бир ёғи, маҳаллада оқсоқолман ҳам. Шу қишлоқда бекорчи одам йўқ, десам ишонаверинг. Мана ҳозир авж саратон. Лекин ҳамма ўз иши билан банд. Кимдир қўтон таъмирлаяпти, яна кимдир қирқимда, тери қуритган ким, туя боқаётган ким, хуллас, ишлайман деганга иш кўп бизда...

«Абай» наслчилик ширкат хўжалиги раиси ўринбосари Серикбой ДАРМОНОВ ҳам Нортой отанинг гапларини маъқуллайди:

— Келгунча кўзларингиз тушгандир, қум босган йўлларда Бухороним мошинаси юрибди, Самарқандникиям. Нега? Чунки, биз томонда катта бозор бор. Чорва бозори ҳар ҳафта гавжум бўлади. Кексалар ҳам бекорга айтмаган: «Қайси юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, аввал бозорини кўр» деб. Шундан ҳам билса бўлади, одамларимиз бойиди. Аввалари чорвани орқасидан қанча чўпонлар бадном бўлиб кетарди. Бир жонли мисолни айтайин: мана кечагина Москвадан тери сўраб келишди бизга. Қаердан топиб келдинглар бу ёқларни, деб сўрасак, интернетдан-да, дейишди. Жаҳон бозорида Конимех терилари жуда машҳур. Аввалари-чи? На терини кўрардик, на пулини.

Яна бир гап: олдинлари битта қоғоз учун тўрт юз километр йўл босиб Навоийга борардик. Икки кун сарсон бўлардик. Ҳозир-чи, Боймуроднинг ўзида туриб, Тошкентдаям иш битиряпмиз. Ҳамма имконият бор ўзимизда. Фақат бир илтимос, имкони бўлса Тошкентдаги «ЎзДунробита» ва «Коском» компанияларига етказиб қўйсангиз, бизнинг қишлоқда телефон алоқаларини узатиш ва қабул қилишда муаммолар бор...

Хўжаликнинг тери қуритиш, жун сақланадиган бўлмаларини кўрдик. Отардан қайтиб келган чўпонлар билан ҳам суҳбатлашдик. Камгап ва камтарин чўпонлар кўнгли ҳам ўз адирларидай кенг ва сокин. Улар кўп ҳам мақтанишни хуш кўришмайди. «Шу заминда яшаяпмиз, бола-чақа боқаяпмиз, тўйлар қилаяпмиз, буларнинг ҳаммаси тинчлик туфайли. Истиқлолимиз абадий бўлсин», — дейишди соддагина қилиб.

●●●

Чошгоҳдан сўнг яна йўлга тушдик. «Энди қаёққа?» деб сўраймиз ҳамроҳимиз «синчалак» қиз Клорадан. У бўлса ҳазил аралаш «ҳали ярим йўлга келдик-ку! Нима, чарчадингизларми? Мен, ишонасизларми, деярли ҳар ҳафта Қизилқумни айланиб кетаман аёл бошим билан» дея бизни хижолатга солади. Ва изоҳ беради: »Мана чўлдан келгунча кўргандирсиз, йўл устидаги саксовулзорлар орасини тракторда ҳайдаттириб чиққанман. Қанча ўт-ўланлар, ҳайвонот дунёси бор бу ерларда. Худо кўрсатмасин, бирорта инсофсиз одам ўчирилмаган сигаретини ташлаб юборса, нима бўлади? Айниқса, ҳозир гиёҳлар айни қуриб-қовжираган пайт. Шунинг учунам кўп келаман.»

Дарвоқе, барибир охирги овул узоқ-яқинлигини сўраймиз. «Яна эллик чақиримча йўл юрамиз» — деди ниҳоят Қизилқумнинг жазирама иссиғи-ю қаҳратон совуғига кўникиб кетган ҳайдовчи йигит. Энди чопиб ўтаётган ёввойи қуёнлару салкам ярим метрча келадиган чўл эчкиэмарлари, фақат тоғларда бўлади деб юрганимиз какликлар галаси ҳам кўнглимизни алланечук орзиқтириб юборди.

Ниҳоят, Учтепа деган катта овулга етиб келдик. Ўз номи билан «Қизилқум» деб аталувчи хўжалик маркази шу куни гавжум экан. Бирон байрам бўлаяптими? — деб сўрасак, бизнинг меҳмонлигимизни сезган учтепаликлардан бири қозоқча оҳангда «жоқ, қарындас, базар буп жатыр бунда» дея изоҳ берди. Хўжаликнинг сўзга чечан, ҳазилкаш раиси Миктибай ЎТЕМУРАТОВ эса қўлидаги қоғозга ишора қилиб шундай деди:

— Ҳисоблаб чиқдим, 1976 йилда «Қизилқум»да 90 та хўжалик бўлган экан. Бугун бу рақам олти юзга бораяпти. Уч ярим мингга яқин аҳоли яшайди бу ерда. Шаҳардан келяпсизми, неча чақирим экан, тўрт юздан ошади бизгача, боришкелиш 800 чақиримми, отангизга балли, бундан 10-15 йил аввал шунча йўлни босиб, раис ё ҳисобчи эмас, оддий одамлар ҳам сарсон-саргардон эди, жигарим. Яна бир қўпол ўхшатишни келтирайин, олдинлари бирорта чўпон мошинни қўятуринг, оддий мотоцикл олсаям, қайси пулингга олдинг? — деб сўровчилар кўп эди. Ёлғон денг, чин, мен ўзим гувоҳман. Ва энди қаранг, ҳозир лоф бўлмасин, ҳар оилада биттадан мошин бор. Туя, мол, қўй-эчкиларини айтиб ўтирмай. Мотоцикл энди ҳисобгаям кирмайди. Мана шу оддий мисолларнинг ўзиям мустақилликнинг қанчалар қадрли ва катта қулайликлар берганинини исботлайди.

Кечагина телевизорда Президентимизнинг вилоятимизга қилган ташрифларини кўриб, яна бир бор бошим осмонга етди. Навоийдаги ҳар бир қурилиш ва иншоотларни бирма-бир кўздан кечириб, ўзларининг доно маслаҳатларини, йўл-йўриқларини айтдилар. Айниқса, фермерлар билан учрашганларидаги савол-жавобларни эшитиб қувондим. Ўзи шундай, Юртбошимиз ҳар гал қайси вилоятга бормасин, оддий деҳқон ёки фермер билан ҳам чин дилдан суҳбатлашадилар. Ана шуларнинг ўзи бизларга катта маънавий кучқувват, далда беради. Шу азиз Ватаннинг фуқароси эканлигимиздан ва шу улуғ тупроқда яшаётганимиздан фахрланамиз.

Туман микёсидаги қишлоқ врачлик пунктлари бўйича координатор Дина Ўтемуратованинг эътироф этишича, «чўл аҳолиси учун кейинги йилларда қуриб берилган турли тиббий муассасалар энг аввало одамларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида Президентимизнинг кўрсатаётган меҳрибонликлари намунасидир.» Бевосита наслчиликка ихтисослашган «Қизилқум» ширкат хўжалигида кейинги беш-олти йил орасида қуриб битказилган қишлоқ врачлик пункти, мактаб ва боғчалар, кийим-кечак ва мол бозори, чойхона ҳамда қатор бошқа биноларнинг дунёга донги кетган чўл — қозоқча ибора билан айтганда «қут-барака ёғилган Қизилқум»бағрида ҳалол нон топиб, ҳалол ризқ билан эртанги кунни яратаётганлар учун хизмат қилмоқда.

Қумлар бағрида туғилиб, дунёни англаган ва ўзларини шу Ватаннинг бир парчасиман, деб ҳис этиб яшаётган дилдошларимиз билан хайр-хушлашиб, ниҳоят, ортга қайтдик. Қайтаяпмизу... икки кунлик чарчоғу толиқишлар бир зумда унут бўлди. Бу не сир, не синоат? Бир муаззам ҳақиқат аён! Сизу биз исмини топиб- тополмайдиган ОНА ТУПРОҚнинг зарра-заррасида буюк бир ТУЙҒУ ҳароратланаверади, ҳароратланаверади. Бу — ВАТАНГА МУҲАББАТ ҳиссидир...

ХОТИМА

...Халқимизда «бирники мингга, мингники туманга» деган гап бор. Аслида ана шу «бирники» деганимиз Ватанимизнинг кичкинагина хонадонида бошланган эзгу ишлар, хайрли амаллар эртага маҳаллага, индин эса қишлоқ-шаҳарга ва... ниҳоят, бутун мамлакатга ёйилади. Бугун юртимизнинг исталган гўшасига боринг, у тўрт тарафи тоғлар билан ўралган водийнинг сўлим Сўхи бўладими ёхуд еру осмони чўл-биёбонлардан иборат Қизилқум саҳроси бўладими, ҳамма-ҳамма жойда ОЗОДЛИК — ИСТИҚЛОЛ қуёшининг ёруғ ва ўчмас нурлари чарақлаб балқиб турибди. Ўн олти йилки, бу қуёш бизнинг юрагимизни иситяпти, кўнгил дунёмизни обод қилаяпти. Илло, ана шу илоҳий нурлар қалбларимизни абадиятга қадар ёритсин!

Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, шунингдек, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада эришилаётган ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдир.

Бош Қомусимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Бу тамойиллар ҳаётимизда тобора кенг акс этиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини бунинг амалий тасдиғидир.

Умумюрисдикция судлари томонидан «Судлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифалар билан бирга, ушбу соҳага таллуқли қонунлар устуворлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиққа қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш ва суд амалиётида юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Пленум кун тартибига киритилган «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокамасида айни шу масалаларга эътибор қаратилди.

2006 йилда жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан кўрилган соғлиққа қарши жиноятлар билан боғлиқ 560 жиноят иши ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилганда умумий судланганларнинг 9,7 фоизи соғлиққа қарши жиноятлар учун судланганларни ташкил этгани маълум бўлди. Мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан тўғри ҳал қилинган.

Бироқ, айрим ҳолларда бундай қилмишни квалификация қилиш, қонун меъёрларини татбиқ этиш чоғида баъзи тушунмовчиликлар келиб чиқаётгани сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Шу сабабли Олий суд ишчи гуруҳи томонидан ушбу пленум қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, олимлар, амалиётчилар ва тегишли давлат органларига юборилди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари олиниб, пленум қарори лойиҳасига киритилди.

Мажлисда мазкур масала Олий суд тарихида илк бор пленум мажлиси муҳокамасига киритилганига эътибор қаратилиб, унинг долзарблиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу масала бўйича судларга зарур тушунтиришлар берилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бошқа қонунларни ҳам муҳокама қилдилар. Булар орасида «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Хусусан, сенаторлар Қонунда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техникавий воситаларини, шунингдек, уларни ишлатиш соҳасидаги хизматларни солиққа солишнинг ҳамма турларидан озод қилиш назарда тутилаётганлигига эътиборни қаратдилар. Шундан кейин улар «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Мазкур қонун қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, унинг очиқ-ошкоралигини ва барқарор ишлашини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгандир. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши, мажлисда таъкидланганидек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилиш билан боғлиқ асосий вазифалардан бири Ўзбекистонда изчил бажарилаётганлигининг асосий ва салмоқли далилидир.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари жамланган мажлисда «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди. Сенаторлар таъсис этилаётган медалнинг Ўзбекистон фуқароларини Ватанга ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта маънавий-ахлоқий аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибидан жой оладиган қонунлар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бир қаторда парламент юқори палатасининг аъзолари қўмиталар мажлисларида жорий йилнинг ўтган давридаги ўз фаолиятлари якунларини таҳлил қилдилар, ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Банк ва мижоз

ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚ БЎЛСА...

ЁКИ АТ «ТУРОН» БАНКИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

Бундан бир неча йиллар бурун қўриқ Нишон туманида «Турон» акциядорлик-тижорат банкининг Қарши филиалига қарашли «Талимаржон» мини банки ташкил этилганди. Ўшанда кўплаб фермерлар, тадбиркорлар қувонишганди. Чунки банк хизматлари учун вилоят марказига бориб юришга ҳожат қолмаганди-да. Ҳозирги пайтда минибанкнинг мижозлари сони 116 тадан ошди. 83 та фермер хўжаликлари, 25 та турли ташкилот ва муассасалар, саккизтаси эса хусусий фирмалар. Бундан ташқари, кўплаб аҳоли ҳам минибанк мижозларидир. Ана шу минибанк ўтган йилни 44 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Қарши шаҳридаги «Комплекс мини маркет» минибанки ҳам ривожланиб боряпти. Унинг мижозлари сони 25 тага етди.

Ўтган йил 6 млн. сўм соф даромад билан якунланди. Яқинда Миришкор туманида ҳам ўзига хос байрам бўлди. Бу ерда «Турон» банкнинг яна бир шохобчаси очилди.

Аслида «Турон» акциядорлик-тижорат банкининг Қарши филиали ташкил этилганига ўн бир йил тўлди. Бугунги кунда банк томонидан 539 та корхона ва ташкилотларга банк хизмати кўрсатилмоқда. Шундан 13 та бюджет, 2 та саноат, 34 та қурилиш, 169 та қишлоқ хўжалиги, 198 та савдо, 2 та транспорт, 102 та кичик бизнес субъектлари ва 19 та бошқа ташкилотлардир.

Филиалда 2006 йил мобайнида жами кичик бизнес субъектларига 810,8 млн. сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шундан саноатга 103,8 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 87,1 млн. сўм, савдо-воситачилик ва айланма маблағларни тўлдириш учун 299,9 млн. сўм, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга 300,0 млн. сўм ва бошқа тармоқлар учун 20,0 млн. сўмлик кредитлар берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2006 йилдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида кам таъминланган 25 та оилага 22,4 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига асосан кичик бизнес субъектларига асбоб-ускуна сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 45,0 млн. сўмлик имтиёзли узоқ муддатли кредитлар берилди.

2007 йил 1 май ҳолатига кичик бизнес субъектларига 296,7 млн. сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шундан саноатга 40,0 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 20,9 млн. сўм, савдо-воситачилик ва айланма маблағларни тўлдириш учун 186,8 млн. сўм ва бошқа тармоқлар учун 49,0 млн. сўмлик кредитлар бажарилди. Кам таъминланган 2 та оилага 1,7 млн. сўм ва фермер хўжалигига 11,0 млн. сўмлик чорва моллари сотиб олиш учун кредитлар ажратилди.

Яхшиси айрим мисолларга мурожаат этайлик:

Банк бўлими томонидан Нишон туманида жойлашган «Нодиршоҳ» фермер хўжалигига чорва моллари сотиб олиш учун ажратилган 11,0 млн. сўмлик кредит ҳисобига чорва моллари сотиб олиниб, 4 та янги ишчи ўрни яратилди.

Қарши шаҳрида жойлашган «Алоэ-М» хусусий фирмасига аҳолини дори-дармон билан таъминлаш мақсадида 35,0 млн. сўмлик кредит ажратилганди.

Ғузор туманида жойлашган «Ражаб-С» фермер хўжалигига суғориш тизимини такомиллаштириш учун 5,0 млн. сўмлик кредит ажратилганди. Ушбу олинган кредит ҳисобига қўшимча 2 та янги ишчи ўрни пайдо бўлди.

АТ «Турон» банк Қарши филиали томонидан ўтган йили 565,7 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу маблағларнинг 285,9 млн. сўми Миришкор туманида 720 ўринли касб-ҳунар коллежи ва 279,8 млн. сўми Косон туманидаги Пўлати қишлоғида 720 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши учун сарфланди.

Жорий йилда АТ «Турон» банкнинг еттинчи эмиссия акцияси сотувга чиқарилиб, банк томонидан устав капиталини кўпайтириш мақсадида яна 6,5 млн. сўмга имтиёзли акция сотилди.

Банк бўлими томонидан ахборотлаштириш бўйича ҳам бир қанча хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, 2006 йил мобайнида иккита корпоратив мижозга, яъни «Митти фарм» хусусий дорихонасига ва «Ойбаҳор» хусусий дорихонасига «Банк ва мижоз» дастури ўрнатилди. Банк бўлими томонидан мижозларга самарали, тез ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида 4 та замонавий компьютер ва оргтехникалар ўрнатилди ҳамда аҳолининг омонатларига кунлик устама фоизларини ҳисоблаб бориш учун жамғарма кассаларига янги дастурлар ўрнатилди. Бундан ташқари кадрлар ҳисобини юритиш ҳам замонавий компьютер дастурига киритилди.

Жамоада банк хизмати кўламини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини улар учун қулай бўлган омонат турларига жалб этиш ишлари ибратга молик. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек боряпти.

Ўтган 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллик тўйи муносабати билан «Шодиёна», Конституция кунига бағишлаб «Мусаффо», ийд Қурбон ҳайити байрами муносабати билан «Омонлик», Янги йил байрами муносабати билан «Ёғду» омонатлари ва хорижий валютада қабул қилинадиган «Истиқлол» муддатли омонат турлари жорий этилди. Ушбу омонатларга 411,5 млн. сўм аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари жалб қилинди ва 754,2 млн. сўм омонатлар тўлаб берилди.

Жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида жами 113,1 млн. сўм омонатга накд пул қабул қилинди. Ҳозирги кунда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида, янги омонат турларидан «Шодиёна» омонати жорий этилиб, йиллик 22 фоиз, пенсионерлар учун «Фахрий» омонати жорий этилиб, йиллик 22 фоизни ташкил қилади.

Замонавий хизмат тури — пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш алоҳида эътиборда. Улардан чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа турдаги хизматлар тўловида фойдаланилмоқда. Пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида вилоят «Турон» банки мижозларига бугунги кунда қарийб 3500 та пластик карточка тарқатилган. Савдо дўконларига, ёқилғи қуйиш шохобчаларига 29 та терминал ўрнатилган. Банк мижозлари бўлмиш корхона ва ташкилотлардаги ходимларнинг 446,2 миллион сўмлик иш ҳақлари пластик карточкаларга ўтказилган. Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағи учун йиллик 14 фоиз устама, яъни 4,4 млн. сўм аҳолига тўланди.

2007 йилда ҳам бу иш давом эттириляпти. Ҳозиргача 2 та қўшимча терминал ўрнатилиб, 550 нафар мижозга пластик карточка тарқатилди.

Банк филиалининг асосий мижозлари корпоратив ташкилотлар, яъни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги корхоналар бўлишига қарамай, бу ерда кичик бизнес субъектлари ривожланиши учун ҳам ёрдам бериляпти. Шу боис ҳам ушбу филиалнинг обрў-эътибори ошиб бораяпти.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари



150 МИНГ ДОЛЛАР

ВАЪДА ҚИЛИНГАН ЭДИ

АҚШ Марказий разведка бошқармаси 1960 йиллар бошида Куба раҳбари Фидель Кастрони ўлдириш учун ёлланган қотилларга 150 минг АҚШ доллари тўламоқчи бўлган. Бундай маълумотлар, AFPнинг хабар қилишича, Марказий разведка бошқармаси фаолиятига оид ва илк бор кенг оммага ошкор этилган ҳужжатларда мавжуд. Уларда қисман 1973 йилда Куба инқиболчиси ҳаётига суиқасдни тайёрлаш ҳақида гап боради. Ҳужжатда айтилишича, МРБ ходимлари ўзини Куба мафиясининг бошлиғи деб ҳисоблаган Жонни Роселли билан алоқа ўрнатишган. Улар Роселлига Американинг баъзи компаниялари Кастрони йўқотиш учун юқоридаги миқдорда ҳақ тўламоқчи эканлигини маълум қилишган. Роселли бу ишга бошқа бир машҳур жиноятчи — Сэм Голдни жалб этган. У МРБ ҳужжатларида Чикаго жиноят оламининг бошлиғи ва Ал Капонининг вориси деб аталган. Марказий разведка бошқармаси ходимлари қотилларга Кастрони заҳарлаш йўли билан йўқотишни тавсия этишган. Жиноятни Куба ҳукуматининг амалдорларидан бири, маҳаллий мафия билан алоқаси бўлган Хуан Орта амалга ошириши керак эди. Архив ҳужжатларига кўра, Роселли Ортага олтита заҳарли ампулани берган. Орта бир неча бор Кастрони заҳарлашга уриниб кўрган. Сўнгра у Кастро хавфсизлик хизматининг кузатувига тушиб қолган. Фош бўлишидан қўрққан Орта заҳарни Кастрога яқин бўлган кишилардан бирига берган. Бироқ, у ҳам топшириқни уддалай олмаган. Куба раҳбарини заҳарлаш йўлидаги уринишлар бир неча ҳафта давом этган. Навбатдаги муваффақиятсизликдан сўнг, дейилади ҳужжатларда, Роселли ва Голд топшириқни бажаришдан воз кечишган. Улар МРБдан сариқ чақа олишмаган.



СУВОСТИ КЕМАЛАРИНИ

ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ

Венесуэла президенти Уго Чавес расмий ташриф билан Москвага келмоқда. Лотин Америка республикаси етакчисининг сўзларига қараганда, у «мамлакат суверенитети, мудофааси ва яхлитлиги билан боғлиқ олий стратегик даражадаги мавзуларни муҳокама этиш» ниятида.



Венесуэла Россиядан ракета қуролига ва ҳаводан ракетага қарши мудофаа тизимига эга бўлган 636-лойиҳага мансуб ўнтача дизель-электр сувости кемаларини харид этишни кўзлаяпти. Москвага ташрифи чоғида Венесуэла раҳбари Симон Боливар номидаги Лотин Америкаси интеграцияси маданият марказининг очилишида иштирок этади. Давлат думаси депутатлари билан учрашув кўзда тутилган.

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Михаил Каминин сўзларига қараганда, Москва ва Каракас иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Ташриф доирасида Уго Чавес Ростов-Дондаги вертолёт заводида бўлади, мазкур корхона маҳсулотлари Венесуэлага етказилмоқда.

ЁНИЛҒИ ИСЛОҲОТИДАН

НОРОЗИЛИК ТУФАЙЛИ

Эрон ҳукуматининг бензинга квоталарни жорий этиши ҳақидаги қарори Теҳронда тартибсизликлар чиқишига олиб келган. Хабарларга кўра, ислоҳотга қаршилар оломони мамлакат пойтахтининг шимоли-ғарбидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини ёқиб юборган. Маълумки, 27 июндан бошлаб Эронда бензинни квоталаш ҳақидаги қарор кучга кирмоқда. Бу бензинга субсидиялар ҳажмини камайтиришга қаратилган давлат режасини амалга ошириш йўлидаги иккинчи қадамдир. Биринчи қадам сифатида жорий йилнинг майидан бошлаб бензин нархи ҳукумат томонидан 25 фоизга оширилган эди.

БАМБУКДАН ТАЙЁРЛАНГАН

КОМПЬЮТЕР

Хитойда бамбукдан тайёрланган портатив компьютер ишлаб чиқарилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. «Huashuo Diannao» компанияси кашфиёти бўлган ушбу машина экологик жиҳатдан анча хавфсиз.

Статистик маълумотларга қараганда, Хитойда ҳар йили беш миллиондан ортиқ эскирган компьютер қайта ишланиб, фойдаланишга топширилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу кўрсаткич яқин беш йил ичида 25-30 фоизга ўсади.

САЛКАМ ЕТТИ МИНГ

МАКТУБ

Машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг мактублари ўн икки томли китоб ҳолида нашр қилинади. Бу ҳақда америкалик тадқиқотчи Сандра Спаниер маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, атоқли адиб битган хатлар 2009 йилда босмадан чиқади.

Хабарларга қараганда, тўпламга ёзувчининг етти мингга яқин мактуби киритилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Бухоро вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси

Қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Т/р	Иншоот номи	Қурилиш муддати	Буюртмачининг бошланғич нархи (млн. сўм)
	Лот 1. Мукаммал таъмирлаш		
1.	Лот 1-1. Бухоро шаҳар Эркаклар мурувват уйи	2 ой	78847,69
2.	Лот 1-2. Бухоро шаҳар Аёллар мурувват уйи	2 ой	97891,45
3.	Лот 1-3. Қоракўл тумани Эркаклар мурувват уйи	2 ой	110337,08

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй. Факс: 223-29-94, телефон: 223-57-07.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази-га қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18 хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект)нинг қиймати — 60000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18 хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қумқўрғон тумани, Боботоғ (Арпапоя) маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш (калити билан).

Иншоотнинг бошланғич нархи — 39,452 млн. сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

2. Жарқўрғон тумани, «Юқори Халқобод» аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш (калити билан).

Иншоотнинг бошланғич нархи — 147,458 млн. сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: ***Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.***

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: ўхшаш объектларни қуриш тажрибасига, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 21 июнь, 73-сонида берилган аукцион савдолари ҳақидаги эълонда кўрсатилган Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси 1-«а» уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 542 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситасининг бошланғич нархи — 2 300 000 сўм деб ўқилишини маълум қилади.

Истиқлол бир оила тақдирида





ҲУНАР КЎПГА ЕТКАЗАДИ

КАСБ-ҲУНАРЛИ КИШИ АСЛО КАМ БЎЛМАЙДИ, — ДЕЙДИ ЖИЗЗАХЛИК КУЛОЛ, ЎзХДП АЪЗОСИ СОЛИМУРОД ЭРГАШЕВ

Эллик олти ёшли Солимурод ака Жиззах шаҳрининг «Ўратепалик» маҳалласида истиқомат қилади. Соғлиқни сақлаш тизимида ишлайди. Аникроғи, шаҳар шифохонасининг «Тез тиббий ёрдам» машинасини ҳайдайди. Бир кун ишласа, икки кун дам олади. Саккиз нафар фарзанднинг отаси. Шукроналар айтиб яшаётган оддий ўзбек оилаларидан бири.

— Интилганга, ҳаракат қилганга ризқ ҳам беради, — дейди Солимурод ака. — Ўзимдан қиёс, биласизми, ишдан бўш вақтимнинг ярим соатини ҳам бехуда ўтказмасликка ҳаракат қиламан. Нима қиласиз, дейсизми? Ота-бобомнинг касб-корини, ҳунарини давом эттираман — кулолчилик билан шуғулланаман. Юринг, ҳовлига борайлик, ўзингиз кўрасиз.

Мўъжазгина ҳовли. Айвон яқинидаги турфа хил гулларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Райҳонлару жамбилларнинг ифоридан бахри дилингиз очилади. Ҳовли саранжом-саришта.

— Бобом Жиззахда Носир кулол номи билан машҳур бўлган, — дейди Солимурод Эргашев. — Раҳматли «ўтирган жойингни озода, танингни тоза тут, сариштали маконни, покиза танни фаришталар хуш кўради», деган гапни кўп такрорларди. Шунданми, ҳартугул ҳовли-жойни файзли, озода кўрсам, дейман. Шукрки, мендаги бу одат фарзандларимга, невараларимга ҳам ўтган.

Ҳовлининг бир четида кулолчилик устахонаси. Бу ерда асосан битган ва ҳали битмаган катта-кичик тандирлар кўзга ташланади. Қуйиророқда сариқ рангли тупроқ, чил тупроқ, майда қум, ёғоч қириндиси, кулолчилик асбоб-ускуналари.

— Ҳозир асосан тандир ясаяпмиз, — дея изоҳ беради Солимурод ака. — Сопол кўза, кўзача, лаган, пиёла ва гулдонларни эса буюртма асосида тайёрлаймиз. Сабаби — улар майда иш, ҳар қайсисини ўн-ўн беш сидра қўлдан ўтказиш керак. Кейин бозорда уларга талаб ҳам катта эмас. Тандирнинг эса йўриғи бошқа. Ўзбек хонадони борки, унга эҳтиёжманд. Ва яна бир жиҳати, тандир — табаррук буюм. Ахир, унда энг мўътабар неъмат — нон пишади, хилма-хил патирлару сомсалар ёпилади...

— Аслида бу иш мен учун ота касби. Болалик пайтларимда уларнинг ёнларида юриб, шу ҳунарни ўрганганман. Отамни Мирза кулол дейишса, бутун Жиззах танирди. Ўшанда Эски шаҳардаги Кулоллик маҳалласида яшардик. Ҳақиқий ҳунарманд, қўли гул уста эдилар. Менга ва укам Султонмуродга кулолчиликнинг сир-асрорларини ўргатганлар. Ўз навбатида энди бизлар фарзандларимизни ёнимизга олиб, уларга ўргатаяпмиз.

Ярми тайёр тандир атрофида куймаланаётган 17-18 ёшлар атрофидаги йигитча эътиборимизни тортди.

— Ғайратжон маҳалламиздаги 14-мактабнинг 10- синфида ўқийди, — дея таништирди кулол. — Ҳам фарзандим, ҳам шогирдим. Кўраяпсиз, қўли бинойидай келишиб қолган. Худо хоҳласа, ишимнинг, ҳунаримнинг давомчиси шу бўлади.

Тандирларни кўздан кечирамиз: бири қалинроқ, бошқаси юпқароқ, айримлари катта, баъзилари кичик.

— Тандирнинг ҳам ҳар хили бўлади-да, — дейди Солимурод ака кўнглимдагини уққандай. — Нон ёпиладиган тандирнинг лойини юпқароқ, сомса тайёрланадиганини эса қалинроқ қилиб олган маъқул. Яна сомса пишадиган тандирнинг лойига жун ва қилни кўпроқ қўшиш керак. 10 тадан 50 тагача нон, 80 донадан 1200 донагача сомса кетадиган тандирлар ясаймиз. Бир йили қизиқ воқеа бўлди. Ўзбекистондан Исроилга кўчиб кетган нонвойлардан таклифнома олдим. Унда бир ой уларнинг меҳмони бўлиб, шу вақт ичида 5-10 жойда ўзбекча тандир қуриб беришим, бу хизматларим эса муносиб баҳоланиши баён қилинганди. Тўғрисини айтсам, оёғим тортмади. Тўрт-беш сўм сармоя деб шунчалик узоққа боришим шартми, ўшалар берадиган пулни шу ерда, уйимда, бола-чақамнинг ёнида туриб ҳам топсам бўлади-ку, деб ўйладим ва уларнинг таклифини рад қилдим. Ўзингиз айтинг, иш жойимдан 100 минг сўм атрофида ойлик олсам, яна тандир ясаб, сотишдан бир ойда 300-350 минг сўм маблағ топсам, фарзандларимнинг маоши дегандай... ойда рўзғорга 550-600 минг сўм атрофида даромад келиб турса-ю, мен бойлик, мол-дунё дардида Исроилга кетсам. Бу — ношукурчилик эмасми?

Ахир, ҳозир ҳалол ишлайман, меҳнатим орқасидан бойлик орттираман, тўқ, фаровон яшайман, деганга барча имкониятлар яратилган-ку. Тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон ва қарорлар шундан далолат бермайдими? Ҳунармандлар фаолиятига асоссиз аралашувларга, худа-беҳуда текширишлар ўтказишга қонун йўли билан чек қўйилган, Юртбошимиз, ҳукуматимиз қур, ярат, даромад топ, бой-бадавлат яша, деб турган бўлса...

Қулоқларим остида кулолнинг гаплари жаранглайди, ўзим эса бугунги тадбиркор билан кечагиси ўртасидаги фарқ, уларнинг дунёқараши орасидаги тафовут ҳақида ўйлайман. Истиқлол берган имкониятларнинг биргина инсон ҳаётидаги, битта оила тақдиридаги ифодасини кўргандай, ҳис қилгандай бўламан.

— Кўпинча мактабларга, касб-ҳунар коллежларига таклиф қилишади. Ёшлар билан учрашувларда «ўқинглар, билим олинглар, билим кўкка етказади, ўрганинглар, ҳунарли бўлинглар, ҳунар кўпга етказади», деган гапни такрор-такрор айтаман, — дейди сўзини якунлаб кулол. Мен ҳам бу сўзлар замирида қандай ҳикмат яширин эканини хаёлан ҳис қиламан.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *кулол Солимурод Эргашев.*

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Тиббиёт

ЎЗИГА ХОС МАКТАБ

ЁКИ ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Қаерда бўлмасин, бирор-бир соҳага ихтисослашган мутахассис иш бошласа, кўпчилик унинг иқтидори ва интилишига қараб баҳо беради. Бу ходимнинг қисқа вақт орасида ўз касбини қай даражада севиши, эгаллагани ҳам ўлчанади. Шунда унинг малакавий даражаси ҳам асосий ўрин тутиши алоҳида ҳисобга олинади. 75 йиллик катта тарихий йўлни босиб ўтган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бу борада катта тажриба тўпланган.

Айниқса, истиқлол йилларида бу даргоҳ фаолияти бутунлай ўзгарди. Бугунги кунда институтда 50 та кафедра ҳамда 4 та факультет мавжуд. Илм даргоҳида 3 нафар академик, 86 нафар тиббиёт фанлари доктори, 156 нафар тиббиёт фанлари номзоди меҳнат қилади.

Тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кундузги цикларда, шунингдек, сиртқи ва масофавий таълим тизими орқали ўқитилади. Айниқса, машғулотлар замонавий ахборот технологиялари орқали олиб борилиши таълим самарадорлигини оширишда қўл келмоқда. 2005 йилдан бери махсус ўрганувчи сайт орқали телевидео — конференция, видеоаудио конференция-семинарлар узоқ масофадан ва жойларга чиқиб кундузги-сиртқи ўқитиш экспериментал тартибда амалга оширила бошланди. 2007 йилнинг ўзидаёқ узоқ масофадан ўқитиш орқали 300 нафардан зиёд мутахассислар малака оширдилар. Шунингдек, сўнгги уч йилда институтда 209 нафар ёш мутахассис 2 йиллик ординатура орқали, 37 нафар врач аспирантура ва докторантурада тайёрлов курсида таҳсил олдилар.

Институтнинг профессор-ўқитувчилари Европанинг ТАСИС ташкилоти, Буюк Британиянинг «Чегарасиз врачлар» ассоциацияси, ДОТЦ, Американинг «СиДиСи» халқаро ташкилоти, Германиянинг Гётенгем университети билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзолашган. Айниқса, Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Саломатлик-2» лойиҳасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яқинда эса бу даргоҳда ўзига хос бир анжуман бўлиб ўтди. Яъни соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин тутувчи мазкур институтнинг бой ўтмиши ва бугунги истиқболи сарҳисоб қилинди.

— Тиббиётда мутахассис учун дипломдан кейинги таълим энг аввало, халқ соғлиғини ҳимоялаш самарадорлигини оширади, — дейди Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев. — Зеро, соғлиқни сақлаш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишда врачлар малакасини ошириш муҳим ўрин тутади.

Шоанвар ШОМАНСУРОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Кафедрамизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда умумамалиётчи оила шифокорлари тайёрланяпти. Ҳар йили 300 нафардан ортиқ врач таҳсил олиб, умумамалиётчи шифокор, оила шифокори деган сертификат олиб, жойларда муваффақиятли фаолият юритяпти.

Дарҳақиқат, мазкур институтда ўз малакасини ошириш ёхуд қўшимча соҳалар бўйича қайта ўқиб, етук мутахассис бўлишни шараф деб билувчи тиббиёт ходимлари жуда кўп. Айниқса, вилоятлардан бу институтга келиб ўқиётганлар пойтахтда фаолият юритаётган машҳур тиббиёт фидойиларининг бой тажриба ва сабоқларини ўзлаштираётгани янада фойдалидир.

Илҳомжон ЖЎРАЕВ, Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Вилоятимизда 2005 йилдан бошлаб Жаҳон банкининг «Саломатлик-2» лойиҳаси амалга ошириляпти. Институтда ҳозирги кунда 658 нафар наманганлик шифокор бирламчи тиббий санитария қисмида ўқияпти. Икки йилда 256 нафар шифокорларимиз умумий амалиёт шифокори йўналиши бўйича ўн ойлик таълим олиб қайтишяпти.

Холидбек КОМИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Тиббиёт соҳаси жудаям нозик ва мураккаб. Бу инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ жараён. Ва табиийки, манаман деган шифокор ҳам вақти-вақтида ўз маҳоратини, малакасини синовдан ўтказиб туриши шарт. Бу институт тарихига бевосита бизнинг оиламиз тақдири ҳам боғлиқ эканидан жуда фахрланаман. Чунки менинг отам — кўз касалликлари бўйича Ўрта Осиёда энг йирик мутахассис Муҳаммаджон Комилов 1946 йили шу даргоҳда клиник-ординатор бўлиб иш бошлаб, кўп йиллар офтальмология кафедраси мудирлигини бошқарди. Мен эса айнан отамнинг савобли ишини давом эттираяпман.

Дарвоқе, мамлакатимиз тиббиёти ривожи ва тараққиётида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётган даргоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам гавжум. Негаки, бу остонадан ҳатлаётган ҳар бир шифокор, у қайси соҳада ўз малакасини оширмасин, эртага халқимизнинг энг улуғ бойлиги — саломатликни сақлаш ва ҳимоя қилишдек хайрли, савобли ишга улуш қўшади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖУРНАЛИСТЛАР МУСОБАҚАСИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини футбол ҳамда стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилди. Журналистларнинг касб байрами муносабати билан уюштирилган мазкур мусобақада бугунги кунда мамлакатимизнинг турли газета-журналларида, телевидение ва радиода фаолият кўрсатиб келаётган ижодкорлар жамоалари ўзаро беллашдилар.

Куни кеча эса Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда халқ таълими вазири Туробжон Жўраев сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни изчил ёритишда мазкур соҳа вакилларининг хизматлари самарали бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг бир гуруҳ ижодкорларга «Халқ таълими ҳомийси» ва «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари топширилди, мини футбол ва стол тенниси мусобақалари ғолиблари махсус совринлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Интер-спорт

ОЛИМПИЯ ҒОЛИБЛАРИГА НЕФРИТ МЕДАЛЛАР

Келаси йили Хитой пойтахтида ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларини юқори савияда ва ўзига хос мақомда уюштириш кутилмоқда. Айниқса, Олимпия машъаласининг эстафета тариқасида олиб ўтиш тарихига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, ғолибларга бериладиган медалларнинг нефритдан тайёрланиши, машъаланинг ўралган қоғоз шаклида бўлиши кўпчиликни қизиқтирмоқда.



— Яшил Олимпиада номини олган навбатдаги йирик спорт анжумани ўзининг илмий техник ва инсонпарварлик жиҳатлари билан аввалгилардан фарқ қилади, — дейди Олимпия ўйинлари тарғибот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ван Хузй. — Олимпия машъаласининг эстафетаси рекорд даражага етади. Чунки, масофанинг узунлиги, қатнашчиларнинг кўплиги билан фарқ қилади. Эстафета 150 кун давом этиб, 135 шаҳар орқали 137 минг километр йўлни босиб ўтади. Қадим Хитой нақли бор: «Олийжаноб арбоблар нефрит олиб юради». Шунинг учун ҳам ғолибларга аталган медалларни нефрит билан бойитишга аҳд қилганмиз.

БОШ МУРАББИЙГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Лондоннинг «Челси» футбол клубига янги спорт директори тайинланди. Бу лавозимга Роман Абрамович Исроил терма жамоасининг собиқ мураббийи Аврам Грантни лойиқ кўрди. Бу ҳақда гаплар тарқалиб бўлганига қарамай, спорт директорининг «Челси»да фаолият бошлагани ҳақидаги хабар 1 июль куни эълон қилиниши режалаштирилган. Қизиғи шундаки, Грантга катта ваколатлар берилиб, мураббийлик ишлари, янги ўйинчиларни танлаш каби юмушларга ҳам аралашишига имконият яратилар экан. 51 баҳорни кўрган бу мутахассис клуб соҳибининг ишончига кириб, бош мураббий Жозе Моуриньонинг обрўсини тушириш мумкин, деган гаплар ҳам юрибди.

КЛОЗЕ «БАВАРИЯ»ДА



2006 йили ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг энг яхши тўпурари номига сазовор бўлган Мирослав Клозе Мюнхеннинг «Бавария» клубига ўтиш учун шартнома имзолади. Ҳозирча бу машҳур ўйинчининг «Бавария»га ўтиши билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаётган бўлса-да, айтилган пул оз эмас, кўп эмас 10 миллион евродан ошади, деган гаплар юрибди. 28 июнь куни Клозе янги жамоада машқларни бошлайди. У Германия терма жамоасининг асосий ҳужумчиси бўлиб қолади.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2007-2008 ўқув йили учун 8 та йўналиш бўйича қабул эълон қилади

(9-синф битирувчилари учун)

1. Тоғ-кон электр жиҳозлари.
2. Электр таъминоти.
3. Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш.
4. Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика.
5. Бухгалтерия ҳисоби.
6. Компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш.
7. Металлургия ишлаб чиқариш, юк кўтариш машиналари ва транспортёрлар.
8. Мактабгача ва оилавий таълим.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади

— Директор номига ариза;
— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 ўлчамдаги 8 дона фотосурат;
— Маҳалла қўмитасидан доимий яшаш тўғрисидаги маълумотнома;
— Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси;
— Мактабни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома;
— Эмланганлиги (прививка) ҳақидаги маълумотнома.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим йўналиши бўйича

(11-синф битирувчилари учун)

1. Металлургия ишлаб чиқаришда юк кўтариш машиналари ва транспортёрлар.
2. Саноат корхоналари ва фуқаро иншоотларида электромонтаж ишлари.
3. Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш.
4. Бухгалтерия ҳисоби.

Ўқиш муддати 1 йилу 8 ой, шартнома асосида. Ҳужжатлар шу йилнинг 20 июнидан 1 августигача қабул қилинади.

Манзилимиз: Олмалиқ шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 61-4-49-36, 61-4-80-51, 61-4-81-55, 61-4-46-28.

Бугунги кунда коллежимизда 1152 нафар ўқувчи юқоридаги мутахассисликлар бўйича таълим олмоқда.

Коллеж бирқанча олий-гоҳлар ва Навоий давлат Кончилик институти билан васийлик шартномалари тузган. Шартномага асосан, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари институтнинг профессор, ўқитувчилари билан ҳамкорлик ишларини олиб борадилар.

Коллеж ўқувчилари Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ОАЖ ва яна 24 та турли корхона, катта-кичик ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида ишлаб чиқариш муассасаларида амалиёт машғулотларини ўтказадилар.

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади

Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари	Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича мутахассис	Бош директор ўринбосари	Инженер-механик
— Қурилиш бўйича олий маълумотли; — Қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил; — Раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий маълумотли; — Иш стажи — камида 5 йил; — Ёши 35 дан ошмаган бўлиши керак; — Рус, инглиз тилларини билиши керак.	— Олий маълумотли — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг битирувчилари бўлиши маъқул; — Рус, инглиз тилларини мукаммал билиши керак; — Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга; — Ёши 30 гача бўлиши керак.	— Техникавий олий маълумотли; — Иш стажи — камида 10 йил; — Юк кўтарма механизмлари, гидравлика, пресларни яхши билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак. — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

Номзодлар ўзи ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак:
(99871) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31.
E-mail: chermetgroup @ etc. uz

Тошкент вилояти Педагогика билим юрти томонидан 1997 йилда Дилдора Сунатиллаевна Очилова номига берилган Д-206175 рақамли ўрта махсус маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.10
Topshirilgan vaqti — 00.50
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda